O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 22 MAY ◆ SESHANBA ◆ № 58 (26.760)

ФАРМОН ВА ИЖРО

«ХАЛҚ — ҚАҲРАМОН, ХАЛҚ ХОТИРАСИ ОЛДИДА ДОИМО БОШ ЭГАМИЗ...»

Истиқлол йилларида миллий қадриятларни тиклаш, ноҳақ унутилган тарихий сиймолар хотирасини эзозлаш, азиз-авлиёларимизнинг қадамжоларини мўътабар зиёратгоҳларга айлантириш, бир сўз билан айтганда, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шу йилнинг 1 майида эълон қилинган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Президент Фармони ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида бу борада олиб борилаётган хайрли ишларнинг мантиқий давомидир. Бутун жамоатчилигимиз томонидан қизғин кутиб олинган ушбу Фармонда, жумладан, шундай дейилади: «Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди».

Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига тайёргарлик кўриш комиссияси мазкур Фармонда кўзда тутилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этиш, зиёратгоҳни сайёҳлик йўналишига киритиш, мажмуа ҳудудини янада ободонлаштириш, бу ерда махсус радиолаштириш тизимини жорий қилиш билан боғлиқ ишларни бошлаб юборди.

Яқинда Президент ҳузурида ушбу комиссия амалга ошираётган ишлар муҳокама этилди. Йиғилишда халқимизнинг азалий анъаналарига мос бўлган бу тадбирнинг маънавий-тарбиявий аҳамияти, маъно-мазмуни ва маърифий-мафкуравий йўналиши ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

— Аввало, шуни айтиш лозимки, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, биз «қатағон қурбонлари» деган иборани қандайдир тор маънода тушунамиз. Бу ибора кўп ҳолларда 30-йилларнинг иккинчи ярмида репрессия қилинган ижодкор зиёлиларга, айтайлик, Чўлпон ва Фитрат, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир сингари бир қатор адабиёт ва саньат намояндалари ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Ислом КАРИМОВ:

Қатағон, жабр-зулм ҳақида гап кетганда оёғида чорик, эгнида яктак, бошидаги дўпписини қийиқча билан боғлаб, кетмонни елкасига ташлаб олган, умрида меҳнатдан бошқа нарсани билмаган, оддий ва беозор, заҳматкаш ўзбекнинг сиймоси беихтиёр менинг кўз олдимга келади.

Аввало, шуни айтиш лозимки, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, биз «қатағон қурбонлари» деган иборани қандайдир тор маънода тушунамиз. Бу ибора кўп ҳолларда 30-йилларнинг иккинчи ярмида репрессия қилинган ижодкор зиёлиларга, айтайлик, Чўлпон ва Фитрат, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир сингари бир қатор адабиёт ва саньат намояндалари ҳам асоссиз равишда қатағон қилган эди-ку! Қатағон туфайли уй-жойидан, оиласидан, ота-онасидан, фарзандларидан айрилган, боши қулфатдан чиқмай ном-нишонсиз кетган қанчадан-қанча қурбонлар бўлганини ҳам унутмаслик зарур.

Биз, ҳамиша ҳам номи тилга олинавермайдиган, бу ёруғ оламдан бир дунё армон билан ўтиб кетган ана шу оддий одамлар ҳотираси олдида ҳам қарздормиз. Эҳтимол, уларнинг барчасини бирма-бир эслаш, номларини тиклаш қийиндир, аммо хотирасини ёд этиш, эслаш жоиз, албатта.

Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи эл-юрт озодлиги ва эркинлиги йўлида ўз жонини фидо этган сиймолар билан бирга мустабид тузум даврида қабоҳат туфайли умри хазон бўлган, ноҳақ зулмга учраган оддий инсонлар, бир сўз билан айтганда, қатағон қурбони бўлган барча ватандошларимиз хотирасини ўзида мужассам этади.

Бундан бир йил муқаддам мазкур зиёратгоҳнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Юртбошимиз шундай деган эди: **«Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айриликнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриёдлари олдида, Яратганимиз олдида ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз».**

Куни кеча эълон қилинган Фармонга мувофиқ бундан буён ҳар йили 31 август куни мана шу зиёратгоҳда қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ўтказилиши белгилаб қўйилди.

— Бу маросимда, дея таъкидлади Президентимиз, моҳиятэътибори билан истибдод зулмини ўз бошидан кечирган халқимиз тақдири, унинг тортган азоб-уқубатлари, кулфат ва ситамлари, бегуноҳ одамларнинг мустабид сиёсат тегирмонида, тарих ғилдираги остида ноҳақ эзилиб-янчилиб кетгани ўз ифодасини топиши даркор. Акс ҳолда, қатағон гирдобига тортилган минглаб оддий деҳқонлар, косиб ва ҳунармандлар, боғбон ва ишчилар, ўқитувчию қурувчиларнинг фожиали қисматини ким эслайди, ким уларни ёдга олади?

Қатағон, жабр-зулм ҳақида гап кетганда оёғида чорик, эгнида яктак, бошидаги дўпписини қийиқча билан боғлаб, кетмонни елкасига ташлаб олган, умрида меҳнатдан бошқа нарсани билмаган, оддий ва беозор, заҳматкаш ўзбекнинг сиймоси беихтиёр менинг кўз олдимга келади.

Биз қатағон қурбонлари ҳақида гапирганда, уларни ёдга олганда фақат «Шаҳидлар хотираси» мажмуиди қад кўтарган Бузсув соҳилларини эмас, балки Фарғона водийсини, Самарқанд ва Бухорони, Қашқадарё ва Сурхон заминини, Хоразм ва Қорақалпоғистонни, мухтасар қилиб айтганда, бутун Ўзбекистонни аниқ-равшан ўзимизга тасаввур қилишимиз, ҳар бир шаҳар ва қишлоқдан қанчадан-қанча одамлар, аждодларимиз қатағон этилганини унутмаган ҳолда уларни хотирлашимиз даркор, деб уқтирди Президент.

Бу гаплардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бу борадаги маърифий-мафкуравий ишларда бошидан жуда кўп фожиалар ўтган халқимиз, унинг сабр-бардоши, иймон-иродаси, елкамизга офтоб теккан бугунги кунлар, истиқлол ва озодликнинг қадр-қиммати ҳақида атрофлича фикр юритишимиз, шу масалаларга алоҳида урғу беришимиз лозим.

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида Фармонда белгиланган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини бунёд этишда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратиш керак. Умуман, бу масалага фақат сиёсат нуқтаи назаридан эмас, балки одамийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, ноҳақ жабр кўрган, қатл этилган кишилар, уларнинг ёди, умуман, инсон хотираси, ўтганлар олдидаги тирикларнинг бурчи, яъни зиммамиздаги қарздорлик туйғусидан келиб чиқиб иш тутиш, менимча, мақсадга мувофиқдир.

Барчамиз ҳам жафокаш халқимиз тақдири, ноҳақ қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида доимо бош эгиб, ҳурмат бажо келтиришимиз лозим, деди Президент.

Ислом КАРИМОВ:

Бу маросимда моҳият-эътибори билан истибдод зулмини ўз бошидан кечирган халқимиз тақдири, унинг тортган азоб-уқубатлари, кулфат ва ситамлари, бегуноҳ одамларнинг мустабид сиёсат тегирмонида, тарих ғилдираги остида ноҳақ эзилиб-янчилиб кетгани ўз ифодасини топиши даркор.

Маълумки, мазкур Фармонга асосан «Шаҳидлар хотираси» мажмуини янада ободонлаштириш кўзда тутилган. Бу ишни амалга оширишда ёдгорлик мажмуи муқаддас зиёратгоҳ эканини унутмаслик зарур. Бу ерда ҳамиша маъюс бир сукунат ҳукмрон бўлиши, зиёратга келган одам ўтганларни эсга олиб, умрнинг, бугунги дориламон кунларнинг қадрини англаб етиши, зиёратгоҳ шунга мос маърифий-тарбиявий масканга айланиши, айниқса, муҳимдир.

Ҳозирги пайтда биз тарихимиз, аждодлар хотираси билан боғлиқ кўплаб меъморий иншоотлар, ёдгорлик мажмуалари бунёд этяпмиз, дея давом этди Президент. Аммо уларнинг ижтимоий вазифасини, бу жойларда олиб бориладиган тарбиявий тадбирларни, тарғибот-ташвиқот ишларини ҳали-бери ўзимизга тўла тасаввур қилиб, уларнинг маънавий-маърифий йўналишини аниқ ишлаб чиққанимизча йўқ. Ҳолбуки, бугунги кунда олдимизда турган энг долзарб масалалардан бири — мана шундан иборат. Бу ишда айниқса ижтимоий соҳа олим ва мутахассислари, маданият аҳли, ижодкор зиёлиларимиз ибрат ва фаоллик кўрсатишлари даркор...

Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, тарихий ҳодисаларни ҳеч қачон унутмаслик, уларнинг замирида тарихий ҳақиқат мавжуд, албатта. Бу улуғ зотлар ўз даврида ноҳақ қатағон этилган, уларнинг қанчадан-қанча орзу-ниятлари ушалмай қолган. Бу сиймоларнинг фожиали қисмати, сабот ва матонати, унутилмас хотираси халқимиз қалбида доимо сақланади, уларнинг ёди чексиз армон билан эсга олинади. Лекин, мен «қатағон қурбонлари» деган тушунча аслида кенгроқ ва теранроқ мазмунга эга, деб ўйлайман.

Қатағон дегани мустамлакачилик ва истибдод даврида, шўро замонида жуда чуқур ўйланган ҳолда бутун халқимизга, милламизга қарши олиб борилган, инсонийликка ёт, зулм ва зўравонлик, тазйиқ ва қўрқитиш сиёсатининг негизини ташкил этади. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим. Масалан, чор қўшинлари Тошкентни забт этиш пайтида қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни қириб ташлаган, оналар ва болаларнинг кўз ёшлари дарё бўлиб оққан. Ёки бўлмаса, 1916 йили Жиззах қўзғалони шафқатсиз равишда бостирилгач, беаёв қатағон этилган аждодларимизни бир эсланг. Бунга нисбатан қўлланилади.

Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи эл-юрт озодлиги ва эркинлиги йўлида ўз жонини фидо этган сиймолар билан бирга мустабид тузум даврида қабоҳат туфайли умри хазон бўлган, ноҳақ зулмга учраган оддий инсонлар, бир сўз билан айтганда, қатағон қурбони бўлган барча ватандошларимиз хотирасини ўзида мужассам этади.

Бундан бир йил муқаддам мазкур зиёратгоҳнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Юртбошимиз шундай деган эди: **«Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айриликнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриёдлари олдида, Яратганимиз олдида ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз».**

Куни кеча эълон қилинган Фармонга мувофиқ бундан буён ҳар йили 31 август куни мана шу зиёратгоҳда қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ўтказилиши белгилаб қўйилди.

— Бу маросимда, дея таъкидлади Президентимиз, моҳиятэътибори билан истибдод зулмини ўз бошидан кечирган халқимиз тақдири, унинг тортган азоб-уқубатлари, кулфат ва ситамлари, бегуноҳ одамларнинг мустабид сиёсат тегирмонида, тарих ғилдираги остида ноҳақ эзилиб-янчилиб кетгани ўз ифодасини топиши даркор. Акс ҳолда, қатағон гирдобига тортилган минглаб оддий деҳқонлар, косиб ва ҳунармандлар, боғбон ва ишчилар, ўқитувчию қурувчиларнинг фожиали қисматини ким эслайди, ким уларни ёдга олади?

Қатағон, жабр-зулм ҳақида гап кетганда оёғида чорик, эгнида яктак, бошидаги дўпписини қийиқча билан боғлаб, кетмонни елкасига ташлаб олган, умрида меҳнатдан бошқа нарсани билмаган, оддий ва беозор, заҳматкаш ўзбекнинг сиймоси беихтиёр менинг кўз олдимга келади.

Биз қатағон қурбонлари ҳақида гапирганда, уларни ёдга олганда фақат «Шаҳидлар хотираси» мажмуиди қад кўтарган Бузсув соҳилларини эмас, балки Фарғона водийсини, Самарқанд ва Бухорони, Қашқадарё ва Сурхон заминини, Хоразм ва Қорақалпоғистонни, мухтасар қилиб айтганда, бутун Ўзбекистонни аниқ-равшан ўзимизга тасаввур қилишимиз, ҳар бир шаҳар ва қишлоқдан қанчадан-қанча одамлар, аждодларимиз қатағон этилганини унутмаган ҳолда уларни хотирлашимиз даркор, деб уқтирди Президент.

Бу гаплардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бу борадаги маърифий-мафкуравий ишларда бошидан жуда кўп фожиалар ўтган халқимиз, унинг сабр-бардоши, иймон-иродаси, елкамизга офтоб теккан бугунги кунлар, истиқлол ва озодликнинг қадр-қиммати ҳақида атрофлича фикр юритишимиз, шу масалаларга алоҳида урғу беришимиз лозим.

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида Фармонда белгиланган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини бунёд этишда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратиш керак. Умуман, бу масалага фақат сиёсат нуқтаи назаридан эмас, балки одамийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, ноҳақ жабр кўрган, қатл этилган кишилар, уларнинг ёди, умуман, инсон хотираси, ўтганлар олдидаги тирикларнинг бурчи, яъни зиммамиздаги қарздорлик туйғусидан келиб чиқиб иш тутиш, менимча, мақсадга мувофиқдир.

Барчамиз ҳам жафокаш халқимиз тақдири, ноҳақ қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида доимо бош эгиб, ҳурмат бажо келтиришимиз лозим, деди Президент.

МАҚСАД — ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон Бадиий академияси Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий-бадиий қўриқхонасида машҳур Словакия график-рассоми Душан Қалай асарлари кўргазмасини ташкил этди.

— Бундай кўргазма Самарқандда биринчи марта ўтказилаётганлигини алоҳида эътироф этиш керак, — деди Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлари вакили жаноб Петер Юза.

Мазкур кўргазмага муаллифнинг 40 дан зиёд асарлари қўйилган.

■ «Туркистон-ПРЕСС»

МАРРА

БУХОРО ИПАГИ ИСТИҚЛОЛГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига Бухоро пиллачилари муносиб тўёна ҳозирладилар. Улар давлатга 1980 тонна ўрнига 2000 тоннадан зиёд «кумуш тола» сотдилар. Республикада биринчи бўлиб шартномавий режани ортиғи билан уддалаган вилоят ипакчилари ҳар қути пилла уруғидан 52 килограммдан ошириб ҳосил олдилар.

Ғиждувон, Вобкент, Когон, Қоракўл туманларида бу кўрсаткич анча юқори бўлди. Когонлик Лутфия Ражабова, Бухоро туманидан Сарвар Элиева, вобкентлик Гулбаҳор Заришова, ғиждувонлик Бибиражаб Шодиева, шофирконлик Назира Ражабова сингари пиллачилар юқори кўрсаткичга эришиб, ҳар қутидан 100-120 килограмм пилла олишга муваффақ бўлдилар.

Вилоятда пилла териш ва давлатга сотиш давом этяпти. Ҳа, бу йил бухоролик пиллачилар ҳосил хирмонини 2400 тоннадан оширадилар.

■ Даврон БАҲРОНОВ

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

Эркин НОМОЗОВ, Қамаши туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари:

МИЛЛАТ ОЗОД БЎЛГАН КУН

Менинг суягим шўро даврининг турғунлик йилларию Гдляннинг қама-қама пайтларида қотган. Ўзбекни порахўр атаб, бутун миллатимизга тамға босаётган пайтларда улғайиб, йигит бўлганман.

Кўрпасига пахта тополмайдиган биз пахтакорларни нима учун бундай атаётганларига ҳайрон эдим. Қишнинг қаҳратонларида ҳам совуқ қор тагидан «оқ олтин» тераётган халқимнинг болалари нега «боқиманда» деган ном олаётганига аламим келарди. Уззу-кун пахта даласидан бери келмаганидан фарзандларини танимаган қўшнимиз Норбобо наҳотки «боқиманда» бўлса?! Пахта даласида чарчаб ухлаб қолганида кечаси терим машинаси босиб кетган болани наҳотки ишламайди, текинхўр деб аташ мумкин? Болалардан тортиб 70 ёшли бобо-момоларигача далага уззу-кун михлаб қўйган Шўро бизни дангаса атаб, боқиманда, деб тамға уришга ҳаққи бормикин?!

Ана шу ўкинчлар, аламлар 33 ёшимга келиб арий бошлади. Мен, Мустақиллик эълон қилинган улуғ йилда 33 ёшда эдим. Кимлар учундир бу баландпарвоз бир гап бўлиб туюлиши мумкин, лекин мен айнан ўзимнинг иккинчи туғилишимни 1991 йилдан бошлайман. Чунки миллатим тақдири ана шу йилга келиб ўз қўлига қайтди. У ўз йўлини ўзи белгилай бошлади, ўз юртига ўзи хўжайинликни қўлга киритди. Бу оламшумул тарихий бахтли воқеа — Миллат, Ватан озод бўлган кун. Фарзанд учун халқини озод кўришдан ҳам бахтлироқ кун бўлиши мумкинми?!

Мен мустақиллик йилларида юртимизда эришилган оламшумул (бундан бошқа сифат йўқ) ютуқларни ҳадеб санайверишни ёқтирмайман. Уни санаш эмас, марҳамат, кўриш мумкин. Масалан, мен ишлаётган Қамаши туман электр тармоқлари корхонасида ўтган йилнинг ўзидаёқ 26 та артезиан қудуқлари ишга туширилди. Бу бир туманда электр билан таъминлашнинг сифатига ҳам етарли баҳо бўла олади. Қаранг, яна ўшандай қудуқлардан шу кунларнинг ўзида 15 таси ишга туширилди. Юқоридаги оддий фактлар, энг аввало, мустақиллик йилларидан кейинги халқ фаровонлиги йўлидаги кичкинагина мисолдир. Қаранг, шўро даврида 70 йил «боқиманда» аталган халқимнинг мустақилликдан кейинги 10 йиллик ҳаётидаги жажжигина ўзгаришларни. Мен ҳали туманимиздаги муҳташам коллеж қурилишини, обод кўчалару янги бозор биносини, ободончиликни, маъмурчиликни бир-бир айтаётганим йўқ.

Шўро пайтида текинхўр, дея ном олган қўшнимиз қарангки фермер бўлди. Ўтган йили гектаридан 40 центнердан ҳосил олибди. 15 миллион даромад қилдим, дейди. Бу йил 25-30 миллионни кўзлаяпман, дейди. Қаранг, мустақиллик унинг шаънидан боқиманда, деган туҳматни олиб ташлаш билан бирга, унга эркинлик берди, даласига, ерига, тупроғига хўжайинлик ҳуқуқини яратди. Ҳосилига бугун у ўзи хўжайинлик қилмоқда, рўзғорини бутламоқда. Шу билан бирга қорни тўқ, усти бут, чўнтагида пули бор. Мустақиллик Норбобога ўхшаган юзлаб қўшниларимга, юртдошларимга меҳнатига эгалик қилиш имконини берди, ерини, номини, шаънини қайтариб топширди.

Шуларга қараб бир-бир чўтлайман: Мустақилликка эришганимизга энди 10 йил бўлди. 10 йилда шунча масофани босиб ўтдик. Ҳали бизга Мустақилликнинг берадиган неъматлари кўп. Ундан оладиганимиз бисёр. Хўш, унда нега Мустақилликдан яна таъмагир бўлишимиз керак экан? Нега унга ўзимиз хизмат қилишимиз, мустақилликка, мустақил Ватанга биз нима бераётганлигимиз ҳақида ўйламаслигимиз керак?!

Тўғриси, шу саволни ўзимга берганимда анча вақтгача жавоб топа олмадим. Қийналдим ҳам. Ахир Мустақилликдан таъмагир бўлиш манфаатпарастликнинг ўзгинаси-ку! Мен Мустақиллик деганда Ватанни тушунаман, таъма қиладиган фарзандни кўрганмисиз?! Мана шу саволлар жавобидан қийналиб турганимда ярқ этиб бир фикр миямга урилди. Бу саволлар ҳам Мустақиллик меваси эмасми?! Мустақил юрт фарзандларигина «мен ватанга нима бердим» деб ўзига савол қўяди ва жавоб излайди. Зеро, шу саволнинг ўзидаёқ мустақилликнинг шундай тотли мазаси борки, унинг мазасини фақат кўнгил билан ҳис қилиш мумкин. Ваҳоланки, Мустақилликнинг энг тотли неъматларидан бири ҳам ана шундай саволларга ўзимизда эҳтиёж сездиришида эмасми?! Илло, «Мустақил юртга мен нима бердим» деган саволга баралла жавоб бериш ҳар биримизга шарафдир.

ГОЛФ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ

Тошкентда голф бўйича биринчи Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Юртимизда илк марта ўтказилган мазкур чемпионат жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътиборнинг ўзига хос самарасидир. Шунингдек, бу турнир ҳамкорлик муносабатлари ва дўстлик алоқалари ривожида ҳам катта ўрин тутади.

Мусобақалар давомида АҚШ, Япония, Буюк Британия, Корея Республикаси, Малайзия, Бангладеш ва Ўзбекистондан жами 110 нафар спортчи ғолиблик учун курашдилар. Чемпионат якунига кўра Корея Республикаси вакили Ким Хан И ғолиб деб топилиб, унга бош соврин — «Нексия» автомобили топширилди. Аёллар ўртасида Ким Сун Ок энг яхши натижага эришди.

■ Искандар АБДУБАННОПОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 22 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	187,01	10 Люксембург франки	77,29
1 Австрия шиллинги	22,66	1 Малайзия рингити	93,10
1 Англия фунт стерлинги	509,46	1 Германия маркаси	159,40
10 Бельгия франки	77,29	1 Польша злотийси	88,92
1 Голландия гульдени	141,47	1 СДР	446,22
10 Греция драхмаси	9,15	1000 Туркия лираси	0,32
1 Дания кронаси	41,81	1 Финляндия маркаси	52,44
1 БАА дирхами	96,31	1 Франция франки	47,53
1 АҚШ доллари	353,72	1 Швейцария франки	203,33
1 Миср фунти	91,28	1 ЕВРО	311,77
10 Испания песети	18,74	10 Жанубий Корея вони	2,71
100 Италия лираси	16,10	10 Япония иенаси	28,72
1 Канада доллари	230,87	1 Россия рубли	12,16
1 Хитой юани	42,74	1 Украина гривнаси	65,35

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

МУЛОҲАЗА

ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ ҲУҚУҚИ ҚАНИ?

Автомашинам ёнилғи қуйиш жойига етиб бормасдан тўхтаб қолди. Бензин тамом бўлган эди. Ночор канистрни олиб, пиёда равона бўлдим. Лекин умидим пучга чиқди. Шу ерда истеъмолчи ҳуқуқларини кимлардир чеклаб қўйганини англадим. Чунки вазиятни тушунтириб, канистрга ҳеч бўлмаса уч литр бензин бериш тўғрисидаги илтимос, йўқ, илтимос эмас, илтижоларим бекор кетди.

— Канистрга бир литр ҳам бензин берилмайди. Машинани олиб келиб, бак тўлгунча олаверинг!

— Бир литр ҳам ёнилғи қолмаган бўлса, машинани қандай олиб келаман?

— Бу менинг ишим эмас. Ҳайдовчилардан илтимос қилинг...

Ночор орқага қайтдим. Канистрни ушлаганча бирин-кетин ўтаётган машиналарга қўл кўтардим. Бир соатча сарсон бўлганимдан кейин бир раҳмдил ҳайдовчи «Москвич»ини тўхтатди-да, ҳожатимни чиқарди.

Хўш, энди айтинг-чи, ўз пулимга канистрга наҳотки беш литр ҳам бензин ололмасам?! Менинг ҳуқуқимни чеклаган амалдор канистрга бензин олган одам чайқовчилик қилади, деб ўйлаб, эҳтимол, яхши мақсадни кўзлаб буйруқ чиқаргандир. Аммо ўша буйруқда қийин аҳволда қолган ҳайдовчиларга бир литр ҳам ёнилғи берилмасин, деган модда йўқдир?!

Ҳайдовчиларнинг таъкидлаб айтишларича, ёнилғи канистрга қуйилса, харидорлар ҳақидан уриб қолинаётгани фош бўлиб қолади. Агар бакка қуйилса, ҳар ўн литрдан камида бир литр уриб қолинаётгани билинмас эмиш. Бу гапга ишонмай иложингиз йўқ. Нега десангиз, 45 литрлик бак 50 литр билан ҳам тўлмаяпти.

Энди ўзингиз ўйланг: мен 20 литрлик канистрга ялиниб 5 литр бензин олсам-у, уни кимгадир сотишим ақлга сиғадими?!

Идорада ўтириб буйруқ берган амалдорлар истеъмолчи ҳуқуқини чеклаб қўйишганини, бу эса давримиз руҳига хилофлиги ҳақида ўйлаб кўришганмикин?!

■ Ҳ. ИБРОҲИМОВ

Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол қатнашиш тавсия этилган эди. Шу муносабат билан май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган муҳим бу сиёсий тадбирларда депутатлар иштирокининг аҳамияти хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси котиби Ғулом Мирзаев билан суҳбатлашдик.

ТАРАДДУД

САЙЛОВДА БЕФАРҚЛАР ЙЎҚ

— Олий Мажлис Кенгашининг қарори билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этишга доир тадбирлар режаси тасдиқланди. Ушбу тадбирлар режасида жойларда сайловга бағишлаб ўтказиладиган семинар-кенгашларда Олий Мажлис депутатларининг иштирок этиши ҳам кўзда тутилган. Шулардан келиб чиқиб, Олий Мажлисда доимий асосда ишловчи депутатлар жойларда сайловларни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш учун вилоятларга сафарлар уюштирмоқдалар. Мен ҳам Қашқадарё вилоят ҳокимлигида сайловга бағишлаб ўтказилган семинар-кенгашда қатнашдим.

Вилоят ҳокимлигида уюштирилган семинар-кенгашда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари гуруҳлари раҳбарлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлимлари раҳбарлари, фуқаролар йиғинларининг раислари, вилоят ва туманлар газеталарининг муҳаррирлари қатнашдилар. Йиғилганларга бўлажак сайловларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти юқори экани тўғрисида айтиб ўтилди ва Олий Мажлисда бўлиб ўтган республика семинар-кенгаши томонидан берилган тавсиялар хусусида атрофлича ахборот берилди. Сайловларни ўтказишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ўтказишда қўл келадиган асосий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун, бошқа тегишли қонунлар, шунингдек, Олий Мажлис Кенгашининг тилга олиб ўтилган қарори ва намунавий Низоми қоидалари яна бир карра ҳуқуқшунослар иштирокида ўрганиб чиқилди. Аввалги сайловларни ўтказиш жараёнида тажриба орттирган мутахассислар билан фикр алмашилди.

Энди сайловларни ўтказишда депутатларнинг жойларга чиқишлари қандай аҳамиятга эга, деган саволни беришингиз мумкин.

Аввало, халқ сайлаган вакил сифатида депутатнинг жойлардаги бундай тадбирларда қатнашиши ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларнинг демократик руҳда ўтаётганлигини яна бир бор таъкидласа, иккинчидан, бу ҳол бўлажак сайловлар нечоғлик муҳим сиёсий аҳамиятга молик эканига ҳам ургу беради. Қолаверса, депутат мавжуд қонунчилик бўйича иш тажрибасидан келиб чиқиб, сайловларнинг қатъиян қонун доирасида ўтишига бевосита кўмаклашади, зарурият туғилганда мутасаддиларга, шунингдек, фуқароларга тегишли қонун ҳужжатлари қоидаларини шарҳлаб, тушунтириб беради. Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида амалдаги қонунларнинг ютуқ ва камчиликларини билиб олиш учун қулай имконият юзага келади. Тегишли қонунларга муайян ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни ҳам ўрганиб боради.

Хуллас, депутат бу жабҳадаги амалий саъй-ҳаракати билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига ҳисса қўшади. Халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифодалайдиган ана шу ташкилотларни ривожлантириш, уларнинг мавқеини кўтариш эса Юртбошимиз қайд этганларидек: «нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки улкан тарбиявий ва маънавий масаладир».

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ ёзиб олди**

ДАСТГОҲЛАР ГЕРМАНИЯДАН КЕЛТИРИЛДИ

Давр олдимизга ҳар бир соҳада янги-янги фаолият қирраларини кашф этишимиз лозимлигини кўймоқда. Бу эса ўз навбатида мавжуд имкониятлар билан чекланиб қолмасдан, хорижий шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйишимиз кераклигини тақозо қилади.

Хусусан, матбаа маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кунга ошиб борар экан, соҳа мутасаддилари ҳам замон талабидан келиб чиқиб, энг янги жиҳозларни келтириб ўрнатиш ва бу йўл билан соҳа моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишлари зарур.

Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида шу йўлда амалий қадам ташланди. Компания Германиянинг «KBA-PLANETA» фирмасида ишлаб чиқарилган «RAPIDA-105 4+L» русумли янги босмахона дастгоҳларини келтириб ўрнатди. Мазкур дастгоҳлар Осиё тараққиёт банкининг кредити эвазига харид этилган бўлиб, улар ёрдамида анъанавий қоғоз турлари билан бир қаторда картон қоғозларда ҳам босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Жаҳон стандартларига мос мазкур дастгоҳларнинг илгариги дастгоҳлардан унумдорлиги 3 баравар юқори бўлиб, соатига 15 минг саҳифагача маҳсулот босиш қувватига эга. Сифат даражаси юқори бўлган ушбу дастгоҳларда асосан ўқув қўлланмалари ва дарсликлар чоп этиш режалаштирилмоқда.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ**

ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Юртимизда кенг кўламда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар сабаб турмушимиз кундан-кун яхшиланиб бормоқда. Кечагина бизга нотаниш бўлиб туюлган, ёқинқирамаган атамалар, иқтисодий муносабатлар интилишларимиз билан чатишиб, бир бутунлик касб этишга улгурдики, эндиликда ҳаётимизни уларсиз тасаввур этиш қийин.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети фаолияти ҳам тизимдаги барча олий ўқув юртлари қатори миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, замонавий механизмларни чуқур идрок этадиган кадрлар тайёрлашга йўналтирилган. Ташкил топганидан то бугунги кунга қадар илғорлар сафидан тушмай келаётган университет жамоаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури талаблари доирасида ибратли фаолият юритиб келмоқда. Университетнинг отахон кафедраларидан бири «Молия ва солиқлар» кафедрасида олиб борилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовор. Аччиқ синовларни бошидан кечирган мазкур кафедра ўзига хос тарихга эга.

Собиқ иттифоқ даврида авж олган мафкуравий курашлар молиячи кадрларга бўлган талабни кучайтиради. Шу муносабат билан молия фанларига қисман эътибор берилиб, 1931 йилда «Молия» кафедраси ташкил қилинади. Шуни эслатиб ўтиш керакки, дастлаб молиячи кадрлар Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг иқтисодиёт факультетида таълим олишган. Лекин бу факультетни устоз Ойбекдан бошқа бирор-бир маҳаллий кадр тамомлагани ҳақида маълумот йўқ. «Молия» кафедрасининг ташкил топиши ўз даврида молиячи кадрларни тайёрлашдаги муҳим қадам эди. Бу даврда кафедранинг ўқитувчилари молия ва режа вазирликлари ходимларидан шаклланган. Кафедра ўзининг кейинги фаолияти давомида республикада молия тизимининг равнақ топиши, уни илғор тажрибалар билан бойитиб бориш, етук кадрларни тайёрлаш жараёнида фаол иштирок этди.

Истиқлол йиллари мазкур кафедра тарихида ҳам янги саҳифалар очди. Қурилаётган бозор муносабатлари ва истиқлолга ҳамоҳанг тарзда кафедра тизими, дастур-йўналишлари янгиланди. Ўқув-методика ва илмий-тадқиқот ишларида ўзига хос янгиланишлар вужудга келди. Кафедра жамоасининг саъй-ҳаракати билан «Молиявий режалаштиришни ташкил этиш», «Молия ва унинг бозор иқтисодиёти шароитида фойдаланилиши» каби жами 200 га яқин ўқув-услубий қўлланмалар нашр этилди.

— Айни вақтда «Молия» кафедраси университетимизнинг етакчи бўғинларидан бири сифатида ёшларга таълим-тарбия бериш борасида ибратли натижаларга эришиб келмоқда, — деди Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Р. Алимов. — Кафедра олимлар томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар молия-кредит соҳасига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилди. Кафедрада таҳсил олган қатор талабалар ҳозирда республика миқёсидаги масъул вазифаларда фаолият юритмоқда. Янги дарсликлар, ўқув-қўлланмалари ва бошқа кўплаб илмий-тадқиқот нашрларининг чоп этилишида кафедра ўқитувчиларининг хизматлари катта.

Давлат солиқ қўмитаси, Молия банк академияси, Жаҳон банкининг иқтисодий ривожлантириш институти ва Европанинг бир қанча университетлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Кафедра катта ўқитувчиси Р. Карлибоева АҚШнинг Морленд университетида, В. Андреев Миср давлатида малака ошириб қайтди. Келгусида халқаро алоқаларни янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Давлатнинг салоҳияти унинг қай даражада мустақил молия, бюджет ва кредит тизимларига эга эканлиги билан ҳам белгиланаётган бугунги кунда бу каби — малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондирибгина қолмай, таълим самарадорлиги йўлида ибратли фаолият юритаётган ўқув даргоҳларининг борлиги кишини бениҳоя қувонтиради.

■ **Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

БОЗОР

МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Истиқлолга эришилгандан буён ўтган ўн йил давомида Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантириш кенг кўламда амалга оширилди. Амалга оширилган ислоҳотларнинг бугунги кундаги аҳволини ўрганиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, янги аср бошига келиб мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг асослари яратиб бўлинди.

Бозор иқтисодиётининг асосий шартларидан бири давлат тасарруфидаги корхоналарни хусусийлаштиришдир. Хўш, бу жараён Ўзбекистонда қандай амалга оширилди ва унинг натижалари қандай бўлди?

Бугунга келиб юртимизда давлат уй-жой фондининг 95 фоиздан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди. Ҳар уч хонадоннинг биттаси эгаларига имтиёзли шартлар билан ёки бепул берилди. Умуман, бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида, яъни 1994 йил охиригача 54 мингта яқин корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Уларнинг 18,4 мингтаси хусусий мулкка ўтди, 26,1 мингтаси акциядорлик, 8,7 мингтаси жамоа, 661 таси ижара корхоналарига айлантирилди. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида 1994 йилда ялпи ички маҳсулотнинг деярли ярми нодавлат секторда ишлаб чиқарилди.

2001 йилнинг 1 январига келиб иқтисодиётимизда нодавлат сектор улуши ялпи ички маҳсулотда 64,5 фоизни (қиёслаш учун шуни айтиш керакки, 1990 йилда бу кўрсаткич 38,1 фоиз эди), саноат ишлаб чиқаришда 64,1, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида 98,7, чакана товар айланмасида 95,3, аҳолининг бандлигида 74,1 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётимизда макроиқтисодий барқарорлик тобора мустаҳкамланиб бораётгани кузатилмоқда. Жумладан, 2000 йилда давлат бюджети камомади ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизидан ошгани йўқ. Нақд пул эмиссияси 9,5 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш макроиқтисодий аҳволнинг ўзгаришига монанд равишда олиб борилянти. Бу жараён уч йўналишда амалга оширилмоқда. Биринчидан, нархлар эркинлаштирилиши ва инфляция муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражаси ошириб борилмоқда. Иккинчидан, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари асосий турлари эҳтиёжини муайян даражада сақлаб туриш чоралари кўрилмоқда. Ва ниҳоят, аҳолининг кам таъминланган табақасини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш ишлари бир маромда давом эттирилмоқда.

Таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистонда бозор муносабатлари асослари шаклланиб бўлди. Энди иқтисодиётимиз олдида турган асосий вазифа ривожланишнинг юқори босқичига чиқишдан иборатдир. Бу даврда ҳам давлатнинг бош ислоҳотчилик ўрни сақланиб қолган ҳолда, унинг иқтисодиётга, хусусан, хусусий ишбилармонликка аралашувини чеклаш, хусусийлаштиришни кучайтириш, мулкдорлар синфини амалда шакллантириш, кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодий тараққиётда устувор бўлишига эришиш, экспортни кучайтириш ва иқтисодиётнинг эркинлашувини таъминлашга эришиш зарур бўлади.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**



Пахтакор туманидаги «Сувоқова» ишлаб чиқариш корхонаси кўп йиллар мобайнида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Корхона жамоаси бу борада янада улкан марраларни эгаллаш учун бор имкониятларни ишга соляпти.

Суратларда: 1. Корхона раҳбари (ўнгдан) Комил Юсупов, мутахассислар Қувондиқ Жанобилов, Саид Гадоевлар. 2. Сув қувури тортилаётган пайт.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ОЧИҚ ГАПЛАР

КОЧАЁТГАН БОР-У, ҚУВАЁТГАНЛАР ҲАНИ?

ёки шахсий йўловчи транспортидаги бир муаммо хусусида

Бугунги кунда жамоат транспортини шахсий секторсиз тасаввур қилиш қийин. Тан олиш керак, йўловчилар юкини асосан шу сектор енгил қиляпти. Қаёққа қараманг «Нексия», «Тико», «Дамас» — хизматингизда.

Булар яхши, албатта. Лекин масаланинг иккинчи томони бор. Яъни, йўловчиларга хизмат кўрсатаётган автомобиллар рулида кимлар ўтирибди?

Аввало, шуни айтиш керакки, шахсий автомобилларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш хусусида Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинган ҳамда шу қарорлар асосида зарур меъёрий ҳужжатлар яратилган. Муҳими, айнан шу масала ижросини назорат қилувчи идоралар қаторида яна бир муассаса — Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ташкил этилган. Унинг бўлимлари барча вилоятларда, жумладан, Самарқандда ҳам фаолият кўрсатяпти. Бу агентликнинг асосий вазифаси йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатувчи шахсий автомобиль эгаларига махсус рухсатнома (лицензия) бериш йўли билан ҳайдовчи маҳорати, транспортнинг техник созлиги асосида йўловчи хавфсизлигига кафолат беришдир.

Ҳозиргача бу агентлик томонидан вилоят бўйича 1825 нафар шахсий автомобиль эгаларига лицензия берилди. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг (1997 йил 19 февраль) қароридан кейин бу борадаги ишлар анча сустлашиб кетди. Чунки ушбу қарорга мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартидан бошлаб транспортда шаҳар атрофида ва шаҳарлараро йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланадиган шахсий автомобиль эгалари агентликдан лицензия олиш учун расмий курсда 400 АҚШ долларига тенглаштирилган миқдорда пошлина тўлайдиган бўлдилар. Пошлина миқдори шаҳар ичида фаолият кўрсатувчилар учун аввалгидек, яъни Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 апрелда чиқарган 215-қарорида кўрсатилгандек миқдорда қолаверди. Бу миқдор, масалан, бизда вилоят ҳокимининг қарори билан энг кам иш ҳақининг саккиз баравари миқдорида қилиб белгиланган. Бинобарин, шахсий автомобилида йўловчиларга шаҳар ичида транспорт хизмати кўрсатишни истаганлар аввалгидек агентликка келиб лицензия олишни ҳар ҳолда давом эттиравердилар. Шаҳардан ташқаридаги манзилгоҳларда, туманларда ва шаҳарлараро йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиб юрганлар эса ўз фаолиятларини ҳуфия йўлга кўчирдилар, яъни лицензия олиш учун агентликнинг вилоят бўлимига келишдан оёғини тортиб қолдилар. Чунки юқоридаги қарор бўйича уларнинг лицензия олишлари учун оз эмас, кўп эмас 140 минг сўмдан кўп пошлина тўлаш талаб этилади.

Қизиғи шу ердаки, қарор талабларини бажармай ҳуфия тарзда фаолият кўрсатиб юрганлар мушугини мана, 4 йил ўтаяптики, ҳеч ким пишт демаяпти. Ҳатто уларнинг ҳисоб-китобларида ҳам бирор яхлитлик йўқ, яъни турли идораларда турлича рақамлар қайд этилган. Масалан, Самарқанд бўлимида транспортда йўловчига хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланаётган шахсий автомобиль эгаларидан 1825 нафарига лицензия берилди, деб қайд этилгани ҳолда, вилоят Давлат солиқ бошқармасида уларнинг 1666 нафари рўйхатга олинган эмиш. Хўш, қолгани қаерда? Нега 159 нафар шахсий автомобиль эгалари ўз хизмат кўрсатиш фаолиятларига асосан солиқ идораларидан рўйхатдан ўтмаганлар? Ахир, бу шунча нафар киши пошлина ва солиқ тўловларидан қочиб юрибди, деган сўз эмасми?!

Лекин гап фақат 159 нафар қонунбузар ҳайдовчи ҳақидами? Агентликнинг вилоят бўлими бошлиғи Одил Икромовнинг айтишича, шаҳардан ташқарида, яъни туманларда лицензиясиз йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш фаолияти билан шуғулланаётганлар кўпчилик.

Шахсий автомобиль эгаларида махсус рухсатнома борйўқлигини билиш мақсадида хизмат сафари билан Иштихонда, Челакда, Пайариқда, Қўшработ ва Булунғурда бўлдик. Буни қарангки, на Самарқанд — Иштихон, на Самарқанд — Митан — Қўшработ, на Самарқанд — Челак — Пайариқ ва на Самарқанд — Булунғур йўналишларида қатнаётган шахсий автомобиль эгаларидан бирортаси бу хил лицензияга эга эмас эканлар. Ҳатто уларнинг айримлари солиқ идораларидан рўйхатдан ҳам ўтмаганлар.

— Қочиб юрганимиз маъқул, — деди Қўшработдан қайтаётганимизда чапанироқ ҳайдовчи. — Қонун бўйича иш тутаман, десангиз топганингиз ҳужжатларни бадастир қилишга ҳам етмайди. Шунинг учун бизни текширадиганларнинг қораси кўринганидан «қуён» бўламиз. Айримларидан эса қочиб ҳам ўтирмаймиз — келишиб қўя қоламиз.



Чапанининг гапида жон борга ўхшайди. Бўлмаса, тегишли ҳужжатларсиз кўчада 4-5 йил давомида эркин жавлон уришга кимнинг ҳадди сиғарди! Нақотки, уларни давлат автомобиль назорати, солиқ идоралари, республика Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги вилоят бўлими ходимлари шунча вақтдан буён кўрмаётган бўлсалар?!

Тўғри, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш истагидаги шахсий автомобиль эгаларига 140 минг сўмдан зиёд пул тўлаб махсус рухсатнома олиш анча малол келар. Ҳатто улар, нима, шаҳар ичидагиларнинг шохлари борми, даромадни бизга нисбатан кўп қилсалар-у, лицензия олиш учун сарфлайдиган маблағлари 20 минг сўмга ҳам етмаса, деб ёзғиришлари ҳам мумкин. Лекин лицензиянинг беш йил муддатга берилаётганлиги, бинобарин, ўша 140 минг сўмдан зиёд пулнинг 5 йилга бўлиниши ҳисобга олинса, аҳвол унчалик ачинарли эмас.

Шундай қилиб, ҳукумат қарори — қарор. У албатта бажарилиши, ижроси таъминланиши шарт. Хўш, шарт бўлса нега бу борада вилоятда сусткашлик сезилаяпти, шу сусткашлик туфайли бюджетга миллионлаб сўм пул тушмай қолаяпти?

Келинг, яхшиси сўзни ушбу қарор бажарилишига бевосита ёки билвосита масъул бўлган кишиларнинг ўзларидан эшитайлик:

Одил Икромов, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги вилоят бўлими бошлиғи: — Ушбу муаммо Вазирлар Маҳкамасининг автомобиль транспортини лицензиялашнинг янги тартиби тўғрисидаги 89-қароридан кейин пайдо бўлди. Давлат курсида 400 АҚШ долларига тенг эквивалентда пошлина тўлаш айримларга малол келаяпти, чамаси. Шунинг учун фаолиятларини тўхтатмаган ҳолда лицензия олишдан қочиб юрибдилар. Уларни тутиш эса бизга осон бўлмаяпти. Давлат автомобиль назорати хизмати ва давлат солиқ идоралари ходимлари билан ҳамкорлик қилмасак, бу муаммо ечилмайди.

Ўткир Бойзоқов, вилоят Давлат солиқ бошқармаси жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи: — Биз ҳам бу масала билан шуғулланаяпмиз. Лекин Давлат автомобиль назорати хизмати ходимлари ҳам бу ишга бош қўшмасалар, ижобий натижага эришиш қийин. Шахсий автомобиль эгалари баъзан бизга тўхтамайдилар. Умуман, йўловчи хизматида бўлган ҳайдовчилар салбий ҳаракатларини далолатлаш ҳужжатлари бизда анча мураккаб. Ҳайдовчидан тушунтириш хати олиш, 2 та гувоҳ топиш зарур. Чўнтагидан 140 минг сўм пул чиқиб кетай деб турган ҳайдовчи тушунтириш хати ёзиб берармиди! Гувоҳ топиш азобини-ку, қўяверинг. Бу жараён ДАН ходимлари иш жараёнларида анча содда.

Мамасоли Қаршиев, вилоят Давлат автомобиль назорати бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги: — Аввало, шуни айтиш керакки, бу масалада агентликнинг вилоят бўлими, қолаверса, солиқ идоралари ходимларининг ўзлари фаол бўлишлари лозим. Тўғри, биз улар билан лицензия масаласида бир неча марта қўшма рейдлар ўтказдик. Аммо у рейдларнинг ташкилий томонлари бизни қониқтирмади.

Қисқаси, қонунга чап бераётганлар бор. Ушбу масалага масъул бўлган давлат идоралари ходимлари эса ўз ожизликларидан нолийдилар, холос. Ожизлик эса икки томонлама қимматга тушаяпти. Биринчидан, йўловчига транспорт хизмати кўрсатиш сифати кафолатланмаяпти, иккинчидан, давлат бюджетига миллионлаб сўм пул тушмай қолаяпти. Хўш, ушбу салбий иллатларни ким ёки қайси ташкилот бартараф эта олади?

■ **Фармон ТОШЕВ, Сулаймон ҲУСАИНОВ**

ИЕ, ЙЎҒ-Е, . НАҲОТКИ?!

ИНФАРКТ БЎЛИШИГА ОЗ ҚОЛДИ

Литваликлар орасида мамлакат ҳуқуқ-тартибот органларининг хатолари тўғрисида латифалар юради. Ана шундай хатолардан бири вильнюслик ҳайдовчини инфаркт қилишига оз қолди. Гап шундаки, ҳайдовчи бир куни суддан «Шоклис» хусусий фирмасига нефть маҳсулотлари учун 46405 лит (11601 доллар) қарз бўлгани тўғрисида хабарнома олди. Эртаси куни ҳайдовчи ишлайдиган корхона хўжайини уни ҳузурига чақириб, жамоани уятга қўймаслиги ва тезда қарзни тўлаши лозимлиги тўғрисида огоҳлантирди. Ҳайдовчи ҳақиқат излаб судма-суд югуриб юрган вақтда унинг мол-мулки ҳисоб-китоб қилинди. Яхшиям ҳақиқат қарор топди. Маълум бўлишича, аслида ҳайдовчи билан исм-фамилияси бир хил шахсни адаштиришган экан.

ХУЛОСА ШУНДАЙ

Қуёшдан ҳимоя қилувчи крем яратилгандан сўнг тери саратонига чалиниш ҳолати кўпайган. Мексикалик мутахассислар бу борада кузатиш олиб бориб, шундай хулосага келди.

ЖАЗО БЕЛГИЛАНДИ

Қон топширувчи донорларга ҳам қийин. Улар доимо озода юриши ва турли касалликларга чалинмаган бўлиши шарт. Чунки касаллик қон орқали бошқа кишига ўтиши табиий ва осон. Шу сабабли сингапурлик донорлардан бирига индонезиялик фоҳиша билан алоқаларини яширгани учун бир ярим йил қамоқ жазоси белгиланди.

УЛОВИДАН ТУШОВИ ҚИММАТ

Китоб ўқишга иштиёқ сингапурлик 22 ёшли Лат Палаянга қимматга тушди. У ўзи яшаётган тумандаги кутубхонадан саккизта китоб танлаб олди ва уйига олиб кетмоқчи бўлди. Бироқ кутубхонадан бир вақтнинг ўзида ўқиш учун фақат бешта китоб олиш қоидаси бор экан. Шунинг учун Лат учта китобдаги ўзига керакли саҳифаларни йиртиб олди. Бироқ эшик олдида барибир қўлга тушди. Негаки, китоб саҳифаларига электрон датчиклар ўрнатилган экан. Шу датчиклар ўғрини тезда ошкор қилиб қўйди. Суд унга 2800 АҚШ доллари миқдорида жарима белгилади. Лат ноқонуний олиб кетмоқчи бўлган китобларнинг умумий баҳоси эса 20 долларга ҳам етмасди.

ТОПИЛМАЛАР РЎЙХАТИ

Хитойда сўнгги юз йилликдаги энг йирик археологик топилмалар рўйхати эълон қилинди. Рўйхатнинг бошида бундан тахминан уч минг йил муқаддам барпо этилган Ин шаҳри вайроналари ва «Пекин одами» — синантроп яшаган маскан турибди. Бу рўйхатни тузиш учун олимлар Хитой ҳудудидан XX асрда топилган 10 минга яқин топилмани ўрганиб чиқди.

SESHANBA 22

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 Кино янгиликлари.
9.10, 12.20 ТВ-метео.
9.15 «Замонамизнинг ёш қаҳрамонлари».
9.30 Эстрада тароналари.
9.50 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Кундузги сеанс: «Табиб». Бадиий фильм. 1-қисм.
11.10 «Шоҳруҳ» клуби.
11.35 «Алдаркўса». Мультфильм.
11.50 ТВ-анонс.
12.05 «Қишлоқ ҳаёти».
12.25 «Маънавият» дастури.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 «Ўзбекистон бастакорлари». Мутал Бурҳонов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган кеча.
15.10 «ТВ -клуб».
15.30 Саргузашт фильмлар экрани «Шайтон малайлари».
16.50 ТВ-клип.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдимоти: «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Орзулар довони».
18.45 Қўшиқ рақсга чорлайди».
19.05 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.45 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мусиқий учрашувлар». Паркент тумани меҳнаткашлари ҳузурида.
21.45 «Гиёҳвандлик – аср вабоси».
22.00 «Янга». Теленовелла.
22.25 «Тарих кўзгуси»
22.50 «Кулгуга нима етсин».
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Колонна». Бадиий фильм. 2-серия.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига** «Ватан мадҳи».
9.45, 10.55, 13.40, 15.10 Мусиқий лаҳзалар.
9.55 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.15 Саломат бўлинг.
10.35 Кинотақдим.
11.05 «Даллас». Телесериал.
11.50 Ёшлар овози.
12.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
13.50 «Менинг замондошим» туркумидан: «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 1-қисм.
14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 88-қисм.
15.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 8-қисм.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».
16.40 Таянч.
16.55 Ёшлар куйлайди.
17.05 Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури амалда: Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежи.
17.30 Ёшлар овози.
17.50 Авторейд.
18.05 Газал соғинчи.
18.25 «Дийдор».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Марду майдон.
20.10, 20.55, 22.30 Эълонлар
20.15 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 2-қисм.
21.00 Ёшлик қўшиқлари.
21.15 «Бахт учун курашинг!» Хайрулла Нуриддиновнинг муаллифлик кўрсатуви. 2-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича мусобақалар.
0.20 «Чанг тароналари». Телефильм.
0.35-0.40 Хайрли тун!

ТВ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 Дурдона
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t° 36,6»
20.20, 21.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
22.20 «Туризм ҳақида».
22.50 «Ўзбегим навоси»
23.20 ТТВда сериал: «Селеста».
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпалак».
15.20 «Клип-антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.00 «Х-спорт».
17.15 «Аралаш» ҳажвий журнали.
17.25 «Ўз-ўзига режиссёр».
17.55 CFI тақдим этади: «Жильбер Монтана» иштирокидаги концерт дастури.
18.40 «Зарбдор куч». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.40 «Клип антракт».
21.45 Кинематограф. «Кабутар қанотлари». Бадиий фильм.
23.20 «Ахборот» (рус тилида)
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30 — «Телеҳамкор». Фойдали газета.Метеохабар.
9.30 «30-канал»да болалар соати.
10.30 «Жанговар саньат олами».
11.00 «30-канал»да премьера. «Дарма ва Грег». Ҳажвий сериал.
17.30 Дастурнинг очилиши.
17.35 «Икс-мен». Мультсериал.
18.00, 20.30 — «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
18.25 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.50 «30-канал» кинооқшоми. «Портлаш». Ўткир сюжетли фильм.
20.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.55 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.45 «30-канал» кинооқшоми. «Муҳаббат ўйини».Мюзикл.
23.30 «30-канал»да ҳужжатли кино. «Таймслот». Ҳужжатли серал.

PAYSHANBA 24

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 Улуғ аждодларимизга эҳтиром «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хўжа Ахрор Валий».
9.05, 12.25 ТВ-метео.
9.10 «Қуйлардан қўшиқларга». Мусиқий дастур.
9.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
9.50 «Ўйқу салтанати». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.20 «Дубровка». Бадиий фильм.
11.35 «Сиртқи телевизион олимпиада».
12.05 «Озод юрт одамлари». Бадиий -публицистик кўрсатув.
12.30 «Ёшликми ёки бебошлик?»
12.45, 17.10 ТВ-анонс.
12.50 «Дўстлик тароналари». Мусиқий дастур.
13.20 «Олам». Телеальманах.
13.55, 14.55 ТВ-клип.
14.10 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
15.00 «Ўзбекистон» киножурнали.
15.15 «Рақслар гулдастаси».
15.40 «Оламни асранг!»
16.00 «Мураббий». Спорт дастури.
16.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қисмат». Бадиий видеофильм премьераси. 1-қисм.
17.20 «Кулгуга нима етсин».
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Орзулар қанотида».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45, 22.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига** М. Узоқов ва Ж. Султонов номидаги III Республика хонандалар кўрик-танлови.
21.50 «Истиқлолдан зиё топган юрт» телетанлов. Экранда – Қашқадарё вилояти.
22.20 «Саҳна ҳаёти».
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадиий фильм.
00.55-01.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.35 «Мульттомоша».
9.50, 11.45, 13.35 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.20 Далил ва шарҳ.
10.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 9-қисм.
11.00 «Даллас». Телесериал.
12.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.45 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 3-қисм.
14.20 Мухлис.
14.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича мусобақалар.
15.30 Сенинг вақтинг.
15.50 Спорт-қитъаси.
16.15 Одил сўз.
16.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 10-қисм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.20 «Мульттомоша».
17.35 Кадрлар тайёрлаш амалда: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей.
18.00 Тараққиёт.
18.15 Ёшлар куйлайди.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Дастхат.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Мусиқий лаҳзалар.
20.35, 21.10, 22.30 Эълонлар
20.40 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 4-қисм.
21.15 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

ТВ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t° 36,6»
20.20, 21.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
22.35 «Ўзбегим навоси»
23.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпалак».
15.20 «Клип-антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Билишни истайман...» Болалар учун кўрсатув.
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
17.45 «Аралаш» ҳажвий журнали.
17.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида.
18.40 «Махфий хужжатлар». Сериал (X-files)
19.25 «Кино сайёраси».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.40 «Клип-антракт».
21.50 Кинематограф. «Такси». Бадиий фильм.
23.10 «Ахборот» (рус тилида)
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30 — «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
9.30 «30-канал»да болалар соати.
10.30 «Яхши кайфият».
11.00 «30-канал»да премьера. «Дарма ва Грег». Ҳажвий сериал.
17.30 Дастурнинг очилиши.
17.35 «Икс-мен». Мультсериал.
18.00, 20.30 — «Телеҳамкор». Фойдали газета.
18.25 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.50 «30-канал» кинооқшоми. «Муҳаббат тарихи». Комедияли мелодрама.
20.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.55 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.45 «30-канал» кинооқшоми. «Ўн учинчи жангчи».
23.30 «30-канал»да Бутунжаҳон тўри.

SHANBA 26

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони», Телеальманах.
9.15, 11.30 ТВ-метео.
9.20 «Сеҳрланган бола». Мультфильм.
10.00 «Бахтимизга омон бўлинг».
«Тирик сайёра» кинодастури:
10.20 «Ноилож сайёдлар-5». Ҳужжатли фильм.
11.10 «Маърифат». Телеальманахи.
11.35 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
11.55 Болалар учун. «Сўнгги қўнғироқ».
12.15, 18.15 ТВ-анонс.
12.20 ТВ 1 кинотеатри: «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 1-қисм.
13.30 «Оталар чойхонаси».
14.20 «Дўстлик» видеоканали. 1.»Мехрангез». 2. «Жетиген».
14.40 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.50 «Қалб гавҳари».
16.10, 17.40 ТВ -клип.
16.15 «Спорт шанбадан-шанбагача».
16.45 «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.
17.45 «Ҳиммат».
18.00 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув.
18.25 «Саньат олами».
18.45 «Бадиий кенгашдан сўнг».
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.15 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
21.45 Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.15 «Шанба оқшомида». Бадиий-мусиқий дам олиш дастури.
23.00 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.55 «Оловли йўл». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.25-1.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.
9.20 Табобат оламида.
9.40, 11.10 Мусиқий лаҳзалар.
9.50 Аср қиёфаси.
10.10 Бола тилидан.
10.40 Ракурс.
11.00 Хайр, мактаб!
11.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.20 «Аёл қалби наволари». Умида Мирҳамидова.
12.40 «Авесто»нинг 2700 йиллигига. «Бир ўлка-ки» «Авесто» — бебаҳо маданий мерос.
13.00 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
13.20 «Рамаяна». Телесериал.
13.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.25 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 5-қисм.
15.10 Кўҳна оҳанглар.
15.20 Кутилмаган меҳмон.
15.40 Азизим.
16.10 Сурхон наволари.
16.25 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
17.15 «Мульттомоша».
17.30 «У ким? Бу нима?» Болалар учун кўрсатув.
17.50 Ёшлар куйлайди.
18.00 «Футбол плюс»
18.20 Синфдош. Сўнгги қўнғироқ.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 «Соғиниб». Мусиқий дастур.
20.15 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Озод юрт фарзандлари».
20.30, 21.10, 22.45 Эълонлар
20.35 «Рамаяна». Телесериал.
21.15 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар.
22.50 «Гаройиб ҳодиса». Комедия.
23.50 «Буюк Ипак Йўли. Бахши». Телефильм.
0.10-0.15 Хайрли тун!

ТВ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.30 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
19.15 «Эҳтиром ила».
19.45, 20.45, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
20.05, 20.55 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.05 «t° 36,6»
22.25 «Авто-news».
22.40 «Ўзбегим навоси»
23.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ. «Аэроплан-2».
01.25-01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
9.10 «Смак».
9.30 Е. Петросяннинг Кулги панорамаси.
10.10 Кундузги сеанс: «Кутилмаган меҳмон». Бадиий фильм.
11.25 «Фан-тайм».
11.35 «CFI янгиликлари».
11.45 «До-ми-соль». Болалар учун шоу дастури.
12.20 «Инглиз тили сиз учун».
12.45. 13.35 Дўстлик видеоканали: «Чинсэн», «Ягона оилада», «Бизнен мирас».
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бинафша».
18.25 Буюк изқувар. «Коломбо ва бошқалар».
20.00 «Время».
20.40 «Нима? Қаерда? Қачон?» Телеўйин.
21.50 «Бизнес-ревю».
21.55 «7 дан 70 гача».
22.25 «Эксклюзив».
22.45 «Евровидение – 2001». Қўшиқлар танлови. Даниядан олиб кўрсатилади.
00.10 Ахборот (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 12.00 — «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
9.30 Болалар канали.«Қара, қандай тез ўсяпти». Жониворлар ҳақида маърифий кўрсатув.
10.00 «30-канал»да премьера. «Алекс Макнинг сирли олами». Саргузашт сериал.
10.30 «Маймунлар мамлакати». Саргузашт фильм.
17.30 Дастурнинг очилиши.
17.35 Мультфильмлар.
18.00, 20.15 — «Телеҳамкор». Фойдали газета.
18.30 «30-канал» кинооқшоми. «Нопок келишув».
20.10 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.45 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.45 Ҳафта фильми. «Суякка ур». Ўткир сюжетли фильм.
23.30 Детектив соати.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар ўқув курсига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади.
Ўқиш муддати — бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади.

БИТИРУВЧИЛАРГА ҲУЖЖАТ БЕРИЛАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона.
«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти. Тел.: 136-55-05.

CHORSHANBA 23

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бойсун».
9.15 «Опера саньати изланишлар йўлида».
9.35, 11.25 ТВ-метео.
9.40 «Дангаса қиз». Мультфильм.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Кундузги сеанс: «Табиб». Бадиий фильм. 2-қисм.
11.05 «Камолот сари».
11.30 «Соғлом авлод» жамғармаси соврини учун кураш турнири.
11.50, 13.50 ТВ-анонс.
12.05 К. Раҳмонов «Инжиқнинг муҳаббати». Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқий драма театрининг спектакли.
13.30 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
14.10 «Мусиқий учрашувлар». Паркент тумани меҳнаткашлари ҳузурида.
14.50 «Ўзбекистон» киножурнали.
15.00, 16.55 ТВ-клип.
15.10 Кундузги сеанс: «Шайтон малайлари жиннлар тегирмонида». Бадиий фильм.
16.30 «Остонаси тиллодан».
17.05 Экранда-телесериал «Мерос».
18.10 «Иқтисод ва биз».
18.20 Болалар учун. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
18.35 «Ўзбекистон фуқароси».
18.50 «Ёшлар куйлаганда».
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ҳамоҳанг наволар».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиқларим сизга армуғон». М. Азимов.
21.45 «Толеи ёруғ одамлар».
22.00 «Футбол олами». «Тунги ҳамроҳ».
22.20 «Армонли дунё».
22.40 «Ўхшаш чеҳралар».
23.15 «Ахборот».
23.50 «Олам». Телеальманах.
00.25 -00.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».
9.35 «Мульттомоша».
9.50, 10.50, 13.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.35 Ёшлар овози.
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.45 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
12.05 Болалар экрани. «Бэмбининг ёшлиги».
13.20 «Эрта сўнган юлдузлар». Собит Асомов.
13.40 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 2-қисм.
14.20 Ёшлик наволари.
14.30 «Дийдор».
14.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 8-қисм.
15.15 Авторейд.
15.30 «Робин Гуд». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.35 Газал соғинчи.
16.55 Ёшлар куйлайди.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
17.30 «Мульттомоша».
17.45 Дунёга машҳур «Машҳура».
18.00 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 9-қисм.
18.25 «Далил ва шарҳ».
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 Ракурс.
20.35, 21.15, 22.30 Эълонлар
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 «Аёл қалби наволари». Дилдора Ниёзова.
20.40 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 3-қисм.
21.20 Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури амалда: Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей.
21.40 Ватан ҳақида қўшиқлар.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.25-1.30 Хайрли тун!

ТВ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t° 36,6»
20.20, 21.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
22.20 «Фармацевтика оламида».
22.35 «Ўзбегим навоси»
23.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Болалар куйлаганда».
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Бебилиска пул». Сериал.
18.00 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
18.25 «Британия кундалиги».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 Роберт Де Ниро «Севишганлар» фильмида.
22.50 «Бизнес-ревю».
23.00 «Соккер клуб».
23.20 Клип-антракт.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30 — «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
9.30 «30-канал»да болалар соати.
10.30 «Яхши кайфият».
11.00 «30-канал»да премьера. «Дарма ва Грег». Ҳажвий сериал.
17.30 Дастурнинг очилиши.
17.35 «Икс-мен». Мультсериал.
18.00, 20.30 — «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
18.25 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.50 «30-канал» кинооқшоми. «Соф олтин». Мелодрама.
20.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.55 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.45 «30-канал» кинооқшоми. «Снайпер». Ўткир сюжетли фильм.
23.30 «30-канал»да қизиқарли учрашувлар. «Машина времени» гуруҳи.

JUMA 25

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ёз нафаси». Премьера.
9.10, 12.25 ТВ-метео.
9.15 Лирик тароналар.
9.40 «Мураббий». Спорт дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 ТВ-1 кинотеатри: «Кузги марафон». Бадиий фильм.
11.50 ТВ-клип.
12.05 «Йўл бошида».
12.30 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан».
13.00 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
13.20 «Саҳна ҳаёти».
13.55, 15.10 ТВ-анонс.
14.10 «Тошкент баҳори – 2001». I Халқаро мусиқа фестивали.
14.50 «Унутмас мени боғим». Адабий кўрсатув.
15.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Малика Абдуллаҳўжаева».
15.40 «Кулгитерапия».
16.10 «Муҳофаза».
16.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қисмат». Бадиий видеофильм премьераси. 2-қисм.
17.15 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
17.40 «Битик».
18.10 Болалар учун. «Сўнгги қўнғироқ».
18.30 ТВ-клип.
18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Оҳангларга ошуфта қўнгил». Мусиқий дастур.
21.45 «Толеи ёруғ одамлар».
21.55 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
23.05 «Ахборот».
23.40 «Олам». Телеальманах.
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.35 «Мульттомоша».
9.50 Тараққиёт.
10.05, 10.45, 13.40 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Давр»-интервью.
10.25 «2000 йилдан сўнг. Телесериал.
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.45 Ёшлар овози.
12.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.55 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 4-қисм.
14.25 Мезон.
14.45 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 10-қисм.
15.10 Бу мунис лаҳзалар.
15.30 «Робин Гуд». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.
17.05 «Мульттомоша».
17.20 Ёшлар куйлайди.
17.30 Автосалтанат.
17.45 Аскар мактублари.
18.05 Хайр, мактаб!
18.15 Азизим.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 Ҳуқуқ ва бурч.
19.55 Халқаро кашандаликка қарши кураш куни олдидан «Саломат бўлинг».
20.20 Ёшлик наволари.
20.30 «Аср қиёфаси».
20.50, 21.40, 22.30 Эълонлар
20.55 «Сардор». Кўп қисмли бадиий фильм. 5-қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55 «Ў замонлар ўтиб кетди». Бадиий фильм.
1.10-1.20 Мунаввар тонг истаб.

ТВ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Огоҳ».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t° 36,6»
20.20, 21.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
22.20 «Телефакт».
22.40 «Ўзбегим навоси»
23.10 ТТВда сериал: «Селеста».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
00.35 Кинонигоҳ. «Аэроплан-1».
1.55-02.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

***РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

СПОРТ

ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИНИ САРАЛАБ

Мактаб ўқувчилари ўртасида «Олимпиада умидлари» республика спорт мусобақаларининг ўтказилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» ҳикматини кўнгилларига жо қилган ёшлар Тошкентда давом этаётган ҳал қилувчи баҳсларга йўлланма олиш учун вилоятларда ўтказилган мусобақаларда астойдил маҳорат кўрсатишларига тўғри келди. Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишланган тўрт босқичли бу тадбирдан мақсад соғлом авлодни тарбиялаш, бўш вақтни мазмунли ташкил этиш, болаларда жисмоний ва маънавий уйғунликни шакллантиришдан иборат. Шу кунларда пойтахт спорт иншоотларида спортнинг етти тури бўйича ўтказилаётган финал баҳсларида жами 14 жамоадан иборат қарийб 2000 нафар ўғил-қиз қизғин ва муросасиз ўйинларда маҳорат кўрсатишмоқда. Ҳозирча спортнинг волейбол тури бўйича Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар жамоаси олдинда бормоқда. Баскетболчилар орасида Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг ўқувчилари етакчилик қилишмоқда. Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳар шахматчилари ҳам маҳорат кўрсатишмоқда. Футбол бўйича Хоразм, Қашқадарё, Наманган, пойтахт вилояти ҳамда Тошкент шаҳар жамоалари юлибликка асосий даъвогар бўлиб туришибди. Қўл тўпи бўйича баҳслар ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирмоқда. Ўйлаймизки, енгил атлетика ва теннис бўйича мусобақалар ҳам кўтаринки руҳда ўтказилади. Муҳими, мусобақалар мобайнида ўғил-қизларимиз ўртасида аҳиллик, бирдамлик, дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда.

■ Муҳтабар ҚУРБОНОВА

МАКТАБДА ШАХМАТ ДАРСИ

Ўзбекистон ўзининг умидли гроссмейстерларига, шахмат илмининг усталарига эга. Фикримизнинг ёрғин далили сифатида Қибрай тумасининг «Лимончилик» хўжалиги ҳудудида жойлашган 46-, 25-сонли умумтаълим мактабларида, 8-мактабгача тарбия муассасасида тажриба тариқасида шахматга ихтисослашган синфлар ташкил қилиниши эса ўзига хос воқеа бўлди. Бу мактабларда шахмат бўйича ягона ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, 100 дан зиёд ўқувчилар ушбу таълим муассасалари қошида ташкил қилинган тўгаракларга қатнашади.

— Шахмат ўқувчиларнинг доно ва зукко бўлиб ўсишларида қўл келади, — дейди шахмат бўйича тўгарак раҳбари Муқаддам Шокирова. — Ихтисослашган синфларда шахматнинг тарихи, унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти хусусида машғулотлар ўтилади. Яқинда мактабларо биринчилик ўтказилди. Ўғил болалардан учинчи синф ўқувчиси Сарвар Абдуҳакимов биринчи ўринни эгаллаган бўлса, қизлардан бешинчи синф ўқувчиси Азиза Қосимова зафар қучди. Шахмат синфларини моддий ҳамда маънавий қўллаш мақсадида «Лимончилик» хўжалиги зарур шарт-шароитларни муҳайё қилиб бермоқда.

— «Лимончилик» хўжалигида ташкил қилинган тўгарак аъзолари мамлакат биринчи лигасига чиқишди, — дейди хўжалик раҳбари Маннопжон Юсупов. — Олий лигага чиқиш учун мусобақалар давом этмоқда. Шахматчиларимиз бу мусобақада фахрли ўринларни эгаллашига иймонимиз комил.

Шахматнинг ривожи бўйича мамлакатимизда халқаро андозаларга мос қадам қўйилаётганлиги қувончли, албатта. Боиси, Япония, АҚШ, Россия, Голландия, Германия, Бельгия каби давлатларда шахмат дарслик сифатида кенг қўлланилади.

■ Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

СЎЗ ВА СУРАТ



Сув қалқийди,
Гўдак балқийди.
Покизалик бағрида,
Чақин.

Тириклик жим,
Қўшиқ айтади,
Сув ва бола шунчалар
Яқин.

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ózbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qómitasida 00004-raqam bilan rójxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«Ózbekiston ovozi» materiallarini kóchirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

БИР ПИЁЛА СУВ ҚАДРИ

Дунёда ташналикдан кўра кучлироқ дард йўқ. Сувга муҳтожлик бутун тириклик мувозанатини издан чиқариши мумкин. Чанқаган пайтда одамнинг жисму тани бамисли ўт-олов ичида бўлади. Чингиз Айтматовнинг «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар» асарида бу манзара ғоят мукаммал тасвирини топган. Бу мавзуга қўл уришимизнинг боиси бор.

Ўтган йили олий ўқув юртига киролмай қолган собиқ абитуриент билан суҳбатлашиб қолдим. Шаддодгина, тиришқоқ қиз экан. Билими ҳам дурустгинага ўхшаб туюлди. Унга таскин бермоқчи бўлиб: «Хафа бўлманг, бу йил албатта омадингиз келади. Кўнглим сезиб турибди, ўқишга кириб кетасиз!» деганимни биламан, қиз бечоранинг ҳасратидан чанг чиқди:

— Опа, гап омадда эмас экан! Бултур ҳам жуда осон саволлар тушганди. Лекин барибир йиқилдим. Имтиҳонда ўтирганимда шунақанги чанқаб кетдимки, кўзимга сувдан бўлак нарса кўринмай қолди. Чанқаганим учунми, ҳаяжонланганимданми каллам бирданига карахт бўлиб қолди. Уч соат менга уч йилдек чўзилиб кетди. Ташқарига чиққач, тўйиб-тўйиб сув ичиб эласам, билган саволларимни ҳам хато белгилаб қўйибман. Ўша пайтда олдимда бир пиёла сув тургандайди, эҳтимол, бошқачароқ натижа бўлармиди?..

Дарҳақиқат, олий ва ўртамахсус ўқув юртларига кириш учун тест синовлари ёзнинг айни жазирама кунида — 1 августда ўтказилади. Бунга мутлақо эътироз йўқ. Бироқ ҳаво ҳарорати юқори даражага кўтарилган пайтда инсоннинг фикрлаш қобилияти, руҳий ва жисмоний қуввати заифлашиши ҳам барчамизга маълум. Шу ҳақиқатни ҳисобга олиб, қолаверса, зиё масканларига энг муносиб талабаларни саралаб олиш мақсадида имтиҳон пайтида абитуриентларимизни бир пиёла сувга муҳтож қилиб қўймасликнинг олди олинса фойдадан ҳоли бўлмасди. Бунинг учун «от билан туя» керак эмас. Балки имтиҳон ўтказиш ташкилий қўмитаси ҳужжат қабул қилиш жараёнида талабаликка даъвогар йигит-қизлардан ярим литр маъданли сув билан таъминлаш учун кетадиган маблағни йиғиб қўйсалар кифоя. Бизнингча, бу тадбирни ҳар бир ота-она бажонидил қўллаб-қувватлайди.

Тўғри, 1 август куни ўқув юртлари атрофидан музқаймоқ ва чанқовбосди ичимликларнинг истаган турини топишингиз мумкин. Бироқ фарзандининг ичкарида тест саволларига тўғри жавоб қидириб терлаб-пишиб, куйиб-чанқаб саросимада ўтирганини ҳис қилиб турган ота-она имтиҳонга ажратилган 3-4 соатни игнанинг устида тургандек ўтказмасмикин!.. Уларни хотиржам қилиш ва ўғил-қизларимизнинг имтиҳондан норози кайфиятда чиқмаслиги учун жиндек ортиқча меҳнат сарф қилинса зиён қилмайди. Токи имтиҳон топшираётган ҳар бир абитуриентнинг қаршисида аввалдан ҳақи тўлаб қўйилган маъданли сув ва бир марта ишлатиш учун чиқарилган махсус идишлар турса, улар чанқаганда ташналикларини бемалол қондириш имкониятларига эга бўлсалар...

Биз бу ҳақда куюнчак устозлар, ота-оналар ва бўлажак абитуриентлар фикрини кутамиз.

■ Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

МАЪРУЗАЧИ — ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетида «Маънавият ва тасаввуф» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Бу анжуманнинг ўзига хослиги шундаки, унинг маърузачилари талабаларнинг ўзларидир.

Шу нарсани таъкидлаш зарурки, ҳуқуқшунос талабалар анжумани давлатимиз раҳбарининг асарларида мужассамлашган мафкуравий ғоялар нури билан йўғрилди. Бу эса мазкур анжуманнинг муваффақиятли ўтишини таъминловчи омил бўлди.

Биринчи босқич талабаларидан Равшан Муродов «Давлатимиз раҳбарининг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» асарида илоҳий маънавиятга доир ғояларнинг ифодаланиши», Лочинбек Ўсаровнинг «Ҳуқуқий онг, маънавият ва тасаввуфнинг ўзаро уйғунлиги» (Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» номли асари асосида) мавзуларидаги маърузалари илиқ кутиб олинди.

«Маънавият ва тасаввуф» мавзусига бағишланган илмий анжуман жўшқин баҳс-мунозаралар билан мароқли ўтди.

Тадбир факультет декани Миршоҳид Мирзаҳмедов бошчилигида фалсафа фанлари доктори, профессор Маҳмуджон Нурматовнинг ташаббуси билан амалга оширилди.

■ Умида АБДУСАЛОМОВА

САРҲИСОБ

Сочлари шеър ва қалам заҳмати йўлида оқарган, неча-неча шеърий китоблари аллақачон кўнгилларнинг ихтиёрига кетган, ҳаёту тирикликнинг донишмандлик бошлангувчи фаслига қадам қўйган тажрибали, сермулоҳаза шоирдан китобхонлар, одамлару элу юрт нима кутади? Ҳазрат Навоий «умр бар грезони» деб таъриф этмишлари бу ўйчан ва оғир босиқ фаслнинг шоир учун кароматлари нима ва шоирнинг бу фазил фасл олдидаги ҳисоботи недан иборат?

Табиийки, дарахтлар бу фаслни ўз сарғайган баргларини тўкиш ила маълум этадилар. Умрнинг барча синов манзилларидан ўтиб, ҳаёт дарёсининг жамийки имтиҳон кўприкларидан ўтган шоир эса оқ саҳифалари заминига кўнгил ва тафаккур дарахтларидан сўзлаб тўкади. Бу сўз баргрезонининг пишиқчилик палласида яхлит ҳосил бўлиб, яккаю ягона самар бўлиб унинг бир китоби кўриниб қолади.

Узоқ йиллар шеър ва сўз меҳнатини татиб келаётган камтарин ва заҳматкаш шоир Жонибек Субҳоннинг F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Оққан дарё оқаверади» номли китоби муаллифнинг шеърият аталмиш боғда унинг кўчатлару ниҳолларидан тортиб то уларни парваришлаб, азим дарахтларга айлангунича чеккан заҳматлари натижасида олинган залворли ҳосилга ўхшайди. Яшил муқовали бу китоб етилиб пишган катта ям-яшил олмани эслатади.

Биринчи таассурот шулким, бу китоб шоирнинг ўз қисмати, элу юрти, бурч ва имон-эътиқоди олдидаги хийла салмоқли ҳисоботи, қалбининг маълум маънодаги сарҳисоби бўлибди.

Китобдаги «Мен сени танидим» шеъри замирида шоирнинг бутун ҳаётий мақсад-муддаоси, унинг инсонийлик бурчи турибди. Умуман, тўпламдаги энг салмоқли, залворли шеърлардан саналмиш мазкур шеърда шоирнинг эл ва ватан тақдири билан чамбарчас боғланган умрий кечинмалари, изтироблари, қувончлари, фахру ғурури билан хулосалари ўз аксини топган.

Шу маънода шоир биттагина шеърига салкам бир достоннинг юкини юклаган дейилса ҳам муболаға бўлмас.

Кафтимда турибди бир сиқим тупроқ,
Не буюгу гўзал кўп жисм — тупроқ.
Ўзи ўзин битган олтин ҳарф билан,
Не шаъну шавкатли кўп исм — тупроқ.

Бу тупроқ — Ватан, Ватан тупроғи, тўрт сатрда тўрт минг йиллик тарих ниҳондай. «Ватан» сўзини тилга олмай ҳам Ватан ҳақида гўзал шеър айтмоқ ҳам нечоғли саодатдир.

Шу тупроқ меҳрин унутиб, Бурч ва Қарзин эсдан чиқариб, дунёнинг ҳою ҳавасларию нафсониятга берилган кимсаларга ҳам шоирнинг айтар сўзи бор:

Дунё ўзи дард экан,
Дунёда қўл арт экан,
Дунёни енга олган
Одам асли мард экан.

Китобда «Учиб кетган турна» деган, марҳум адибимиз Ҳасан Тўрабеков хотирасига бағишланган ғоят дардчил бир шеър бор. Ўн қаторгина бу шеър кишини туганмас соғинчлару армонлар йўлига бошлайди, одамзотнинг ғаниматлиги, умр фонийлигию одам боласидан фақат яхши ном қолмоғи лозимлигидан дарак беради, огоҳлантиради. Улуғ зотларнинг, покдил ва олийжаноб инсонларнинг мустабид тузум йилларидаги аҳволи руҳияси ҳам чизиб берилади гўё.

Турналар, ҳей, сиз самодан ерга боққан кўзимиз,
Сиз қаноти қайчиланган орзуйимиз, ўйимиз.

Китобнинг «Бир чаман бор бул жаҳонда» боби асосан ғазаллардир. Шоир улуғ аждодларимиздан ўлмас мерос бўлиб келган мумтоз шеърият усулида ҳам хийла инжиқ ва нозик ғазаллар ила ўз ўқувчиларини сарафроз этади. Тоза ва кутилмаган ташбеҳ ва иборалардан, ғазаллардаги баҳорий найсонлар ҳавасидан баҳри дилингиз очилиб кетади. Кўнглингиз баҳор осмонидай, ёмғир ювган кенгликлардай ёришиб кетади.

Шоир бугунги кун ўқувчисини улуғ Навоийлар, Бобурлар қуёш янглиғ чарақлаб турган «Аруз осмонида» сайр қилдиради. Биз ушбу китобни сарҳисоб деб атадик. У айни пайтда шоирнинг ўз кўнгли олдидаги сарҳисобидир.

■ Сирожиддин САЙЙИД

МУТОЛАА ЗАВҚИ

Ердаги ҳаётнинг эволюцион жараёни, мутахассисларнинг фикрича, бир неча бор турли сабабларга кўра тўхтаган. Аммо шунда ҳам яшаш учун курашга куч топа олган ҳаёт унсурлари ғалаба қилган. Яъни, Ерда ҳаёт давом этган. Бу «охир замон» ёки қиёмат ҳақиқатда қачонлардир содир бўлган каби тахминларни ўртага ташлайди.

КОИНОТ ВА ЕР КЕЛАЖАГИ

«Сайенс» журналида эълон қилинган мақолада америкалик мутахассислар шу ҳақда мулоҳаза юритишади. Унга кўра, биринчи «қиёмат куни» бундан икки миллиард йиллар бурун ҳозирги Канада ҳудудида рўй берган. Мақолада асосий эътибор бундан 250 миллион йил олдин Перм ва Триасов геологик даврларда рўй берган сўнгги ҳалокатга — Ер сайёрасига йирик астероидлар тушишига қаратилади.

Олимлар Япония, Хитой, Венгрия ҳудудларида ўша даврга тегишли бўлган жисмларни қидиришар экан, улар келиб чиқиши аниқ коинотга тегишли бўлган юмалоқ шаклдаги аргон ва гелийдан ташкил топган углевод молекулаларининг юпқа қатламини учратишди. Бундан олдинги ва кейинги даврларда ҳам бунақа топилма учратилмаганди. Мутахассислар буни шу даврларда Ерга диаметри 6 км. дан 12 км.гача бўлган астероидларнинг тушганлиги билан изоҳлашади. Ҳалокатнинг айнан қаерда содир бўлганлиги аниқланмаганлиги йўқ, чунки ўша даврларда фақат битта қитъа — Пангейгина мавжуд бўлган. Улкан коинот бўлаги билан тўқнашув бутун сайёранинг ҳолатини кескин ўзгартириб юборган. «Шунда, — дейди профессор Роберт Пореда, — сўнгги юз йилда Ерда содир бўлган энг кучли зилзиладан миллион марта кўпроқ энергия ажралиб чиққан». Космик зарба кучли вулқонлар портлаши билан қўшилиб кетади. Улкан ҳудудлар вулқон натижасида юзага келган лавалар билан қопланган. Ўрганилган маълумотларга кўра ҳозирги Сибир ҳудудида вулқонлар натижасида шунчалик кўп жисм отилиб чиққанки, бу жисмлар билан бутун қуруқликни 10 метр қалинликда ўраб чиқса бўларкан. Юз берган космик зарба ва вулқон оқибатидаги куллар қўшилиб сайёра бир неча юз йилларга қоронғулик ва муз пардаси билан ёпилади. Бу 90 фоиз ҳайвонот ва 70 фоиз наботот оламининг қирилишига олиб келди. Ўша даврга тегишли трилобитларнинг барча турлари йўқолиб кетишига ҳам шу сабаб бўлган. «Бироқ,— дейди профессор Луан Беккер, — бу ҳалокат оқибати нафақат салбий, балки ижобий жиҳатга ҳам эга. Яшаш учун кураш қоидаси ишга тушиши натижасида эволюция жараёни янада тезлашди». Ер юзида улкан динозаврлар пайдо бўлди, кичик емхўр жонзотлар юзага кела бошлади.

Динозаврлар ҳукмронлиги 65 миллион йил аввал яна шундай бир астероиднинг Ерга «ташрифи» оқибатида тугатилди. Бу ҳалокат ҳозирги Юкатан ярим ороли ва Мексика давлати ҳудудларида юз берган. Тўқнашув оқибатида динозаврлар ҳалокатга учраб, биосфера муҳитини кичик жонзотлар яшаши учун бўшатиб беришди.

Бу ҳодисалар олимларни Ердаги ҳаёт коинотдан тақозо этиши ҳақидаги муқаррар хулосага олиб келди. Сайёрамиз деярли ҳар юз миллион йилда фазовий жисмлар билан тўқнашишни бошдан кечиради ва маҳкумлик хавфи остида қолади. Сайёрада янги, мураккаб вазиятларга дош бериш мақсадида яна қайтадан ҳаёт ривожланади. Бу, албатта, ердаги онгли мавжудот — инсоннинг юзага келишида тўғридан-тўғри аҳамиятга эга. Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор дейишади. Агар илк даврдаги улкан динозаврлар йўқолиб кетмаганда инсониятнинг ривожланиши ҳам хавф остида қолган бўларди.

■ Хорижий манбалар асосида Абдумалик БОБОЕВ тайёрлади

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ 2001 ЙИЛ 15, 22 ВА 29 ИЮНЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. «733-қурилиш-монтаж поезди» очиқ акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар Миробод тумани, Манжара кўчаси, 175-уйда жойлашган, умумий майдони 3323 кв.м. бўлган 4 қаватли ётоқхона биноси. **Бошланғич нархи — 19552477 сўм.**

2. «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасига қарашли «Ўзбекистон» акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар Сирғали тумани, Саъдий кўчаси, 27-уйда жойлашган қурилиши тугалланмаган 400 ўринга мўлжалланган ошхона биноси.
Бошланғич нархи — 5131028 сўм.

3. «Малика» акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Хўжаев кўчаси, 2-уйда жойлашган, қурилиши тугалланмаган омборхона биноси (умумий қурилиш майдони 432 кв.м.).
Бошланғич нархи — 8990230 сўм.

4. «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 434-уйда жойлашган қуйидаги қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлари:
— Маиший хизмат кўрсатиш маркази, фойдали майдони 1958 кв.м.
Бошланғич нархи — 2861499 сўм.
— Босмахона.
Бошланғич нархи — 13340689 сўм.
— Тиббий санитария қисми, фойдали майдони 11833,7 кв.м.
Бошланғич нархи — 65008265 сўм.
— Ичкари йўналтириш шаҳобчаси, фойдали майдони 686 кв.м.
Бошланғич нархи — 5306675 сўм.
— Йиғув узатув бўлими, фойдали майдони 21866 кв.м.
Бошланғич нархи — 208659321 сўм.
— Муҳандислик лаборатория бўлими, фойдали майдони 3420 кв.м.
Бошланғич нархи — 9566310 сўм.
— Чўян қуйилмалари цехи, фойдали майдони 65060 кв.м.
Бошланғич нархи — 1734490748 сўм.

САВДОЛАР 10.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Биржа манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати.
Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73, 144-71-78.